ФАЛСАФИЙ БИЛИМЛАР ВА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ

Т.ОРТИҚОВ, М.МАМАДАЛИЕВ

Мақолада фалсафий билимлар табиати, уларнинг бошқа фанлардан олинган соҳавий билимлардан фарқланиши ҳамда маънавий баркамол инсонни тарбиялашдаги аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, фалсафий билимлар табиатида билиш назариясининг қонунлари ва мантиқий усуллар устиворлиги билан бошқа билимлардан фарқланиши исботлаб берилган.

Калит сўзлар: *фалсафий билим, билим табиати, олам сирлари, интеллектуал шижоат, мутлоқ аниқ фикрлаш, мантиқий фикрлаш.*

В статье раскрывается природа философских знаний и их отличие от других отраслевых знаний. Доказывается, что философские знания играют существенную роль в процессе формирования духовно и умственно развитого человека современности.

Ключевые слова: *философские знания, природа знаний, тайны Вселенной, неисчерпаемые знания, интеллектуальное стремление, логическое мышление.*

The article depicts the nature of philosophic knowledge, their difference from the knowledge received from other subjects and its role in the process of formation of spiritually developed person.

Key words: *Philosophical knowledge, natural knowledge, mysteries of the world, living education, intellectual eagerness, thinking absolutely, logical thinking, daily (ordinary) education (knowledge)*

Билим инсон ҳаёти, камолоти учун юксалиш зинапояси, тафаккур озуқаси, дунёқараш асоси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Билим инсонни ҳайвондан фарқлади, тил эса унинг зоҳиран ва ботинан ижтимоийлашувини бошлаб берди. Инсоннинг билиш даражаси юксалган, билиш имконлари кенгайган ҳозирги шароитда фалсафий билимларнинг аҳамияти янада ортади. Зеро, улар умумий, махсус ва касбий билимларни бир-бирига яқинлаштириб, системага солувчи воситадир. Ҳатто фалсафий сабоқлар, мунозараю таҳлиллардан безган талаба ҳам ўзи англамаган, сезмаган ҳолда фалсафий билимларга таянади.

“Фалсафа” сўзини илк бор милоддан аввалги VI асрда яшаган юнон олими Пифагор қўллаган эди. У бандалар фақат доноликни севишлари мумкин, асл донишманд эса яратганнинг ўзидир, деб таъкидлаган. Баъзилар учун олам сиру асрорларини ўрганиш ўта зерикарли, бошқа бир тоифа учун мол-мулк йиғиш, бойлик тўплаш – севимли машғулот, фақат айримларгина олам сирлари, ҳикматлари, тарихий меросга ошно бўлади, ўқийди-ўрганади. Савобли ишлар кўпинча маънавий бой инсонларда, маърифатли инсонларда кузатилади. Фозил (демак, билимли) ва комил (демак, маънавияти юқори ва олим) кишилар фалсафий билимларга қизиқувчан бўладилар. Билимлар табиатини ўрганувчи эпистемология фани турли (билим ва билимдан ташқари, ҳиссий ва кундалик) билимларни тадқиқ этиб, маънавиятга барча билимлар дахлдордир, лекин энг яқини илмий ёки фалсафий билимлардир, деган хулоса чиқаради. Фалсафий билимлар шу боис ҳам барча мутахассислар учун зарур ва улар таълимнинг юқори босқичларида ўқитилади. Айрим мамлакатларда, масалан, Францияда мактаб, коллеж, олийгоҳнинг барча босқичларида фалсафа ўқитилади. Фалсафий билимлар ўз табиатига кўра барҳаёт билимлардир, яъни ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ва даврларида муҳим ҳисобланади. Буюк Суқротга Тимей исмли шогирди: “Устоз, нега бундай ажойиб билимларингизни қоғозга туширмаяпсиз”, - деган саволни берди. У эса: “Эй, Тимей, ўлик ҳайвон терисидан ишланган матоҳга ишончинг, барҳаёт фикрларга ишончсизлигинг юқори экан” [1.59] деб жавоб берди. Фалсафий билимнинг шаклланиши бошқа далилларни ўртага олиб ўт олувчи ички актдир. Бу ҳаракат туфайли интеллектуал шижоатни талаб қилувчи тафаккур машинаси ишга тушади ва ташқаридан келган фактлардан илмий манзара яратилади. Шу сабабдан ягона фикрга асосланадиган ва айланадиган дунёқарашга фақат ўқитиш (маъруза ва семинарлар билан) орқали эришса бўлади. Лекин очиқ-ойдинки, ўқитиш жараёнида қайсидир муаллиф нуқтаи назарини тингловчига тўқиб соласиз. Кенг фикрлайдиган, мантиқий ҳулосалар ясайдиган, хулосаларини бой ҳаётий материал асосида чиқарадиган файласуфни маъруза ва

семинарларда ўқитиш ёки бошқа йўллар билан фалсафадан хабардор қилиш орқалигина тайёрлаб бўлмайди. Файласуф баҳс-мунозара, чуқур тафаккур юритиш машқларида туғилади. Яъни фалсафани ўқитишга ҳақдор дипломли шахсни тайёрлаймиз, лекин уни том маънодаги файласуф дейиш адолатдан эмас.

Кўплаб иқтидорли файласуфлар борки, улар фалсафа факультетларида таҳсил олмаган. Аксинча, ўша факультетни битириб, ўқув даргоҳида тингловчилар олқишини ололмаган "дипломли"лар ҳам хоҳлаганча топилади.

Файласуфлик аслида тақдир, яъни табиатнинг ёки яратганнинг инъоми. Чунки у туғма фикри тиниқлик, кучли мушоҳада, бошқа билимлар билан боғланувчанлик қобилиятини тақозо қилади. Кези келганда академик М.К.Мамардашвилининг фикрини келтирамиз: "Агар биз абсолют аниқликда фикрлай олмасак, иблис бизни ўз ўйинига солади" [2.126]. Яъни инсон ўзи тўғри фикрлай олмас экан, бошқаларнинг фикрини қабул қилишга, уни тўғри деб хулоса чиқаришга мажбур бўлади. Бунга мисол тариқасида ғаразли ниятдаги экстремистик оқимлар таъсирига тушган, адашган кимсаларни кўрсатса бўлади. Зеро, тўғри фикрлашнинг ўзи фалсафадир. Қадимги файласуф таъкидлаганидек, инсонни доимо касаллик, ҳайвонлар (ҳашоратлар, микроорганизмлар) ҳуружи, ўзга инсонлар қаҳри ёки улар яратган меъёрлар таъқиб қилади. Яъни чор атрофдан булар бизни гўё ўраб олишган. Бундай шароитда тўғри фикрлайдиган одамгина ўзига тўғри йўл топа олади. Фалсафа инсонни тўғри тафаккур қилишга ундайди ва инсон билим деб аталмиш қурол билангина таҳдидлардан қутилиши мумкин деб уқтиради. Айтиш мумкинки, фалсафий билимлар табиатида инсоннинг камолоти, унинг маънавий юксалишига туртки бўлувчи регулятивлар яширинган. Жумладан:

а) фалсафий билимлар ўқувчининг чуқур билимли ва мантиқий мулоҳазали бўлишини талаб қилади;

б) фалсафий билимлар шубҳали эмас, улар тафаккур синовларининг ҳосиласидир;

в) фалсафий билимлар туфайли инсонда маънавий янгиланиш ва ўзгаришлар юз беради;

г) улар юзаки, фақат хабар берувчи билимлар эмас, чуқур мушоҳада мевасидир;

д) фалсафий билимлар бошқа, яъни кундалик билимларни мақсад сари йўналтирувчи хусусиятга эга.

Айни шу ўринда таъкидлаш жоизки, маънавий камолотни бир гулдаста деб тушунилса, унинг энг сара гуллари фалсафий билимлардир. Агар юксак камолотга етакловчи билимларни бир доирага олсак, унинг марказини, ядросини фалсафий билимлар ташкил этади. Гап ахлоқ, дин, маданият, тарих, миллий урф-одатлар мажмуи марказида ётувчи ва уларни ўзаро боғловчи фалсафий билимлар ҳақида кетмоқда.

Фалсафий билимлар табиатида зарур бир хулоса бор. Устозга шогирд тушган изланувчи ўша устозининг дунёқараши ва унга яқин дунёқарашлар таъсиридагина шаклланади. Унинг ёзган мақола ва қўлланмаларида бу нарса сезилиб туради. Кенг қамровли билимларга эга бўлган шогирд эса ўз йўлини осонроқ топиб олади. Тор ёки ўз устози нуқтаи назарларинигина мутлоқ ҳақиқат деб қабул қилган шогирд фақат устози йўлидангина бориши мумкин. Тўғри, илм йўлига ҳар қандай одам ҳам устози кўмагида кириб келади. Лекин айтилган мулоҳаза шогирдга ўз йўлини белгилаш, ҳаттоки яратишга ҳам туртки беради. Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатовда шундай гап бор: "Отам Ҳамзат Цадаса тоғидан шаҳарга ўз сўқмоғи орқали тушиб борар эди. Мен бу сўқмоқдан эмас, балки ўз сўқмоғимни топиб шаҳарга боришим керак" (Ҳамзат Цадаса ҳам иқтидорли шоир эди – Т.О., М.М.) [3.43]. Кези келганда таъкидлаш жоизки, файласуфликка даъвогар ҳар бир инсоннинг бу оламда ўзининг айтар сўзи бўлиши керак. Бошқалар сўзларидан келтириш таълим жараёнида у ёки бу фикрни исботлаш учун қўл келади, лекин илмий фаолиятда хулоса ва ҳукмлар муаллиф томонидан чиқарилиши керак. Жалолиддин Румий дўсти Шамсиддин Табризий билан бир мажлисда ўтирганларга "Асл моҳияти билан ўзингизники бўлган сўзларни қачон сўзлайсиз?" [4.112]. дея мурожат этган эди. Бошқаларнинг сўзларини парда қилувчилар бошқаларнинг қўшиғини тақлид қилиб куйлаётган қўшиқчига ўхшайдилар.

Инсон танасини соғломлаштирадиган омил спорт, меҳнат ҳамда муҳит бўлса, унинг маънавиятини соғломлаштирадиган омиллар соғлом ғоя ёки уни бунёд этган фалсафий билимлардир. Ўқувчи ўз фикрий хулосасида бошқа билимларга катта урғу бериб эътироз ёки шубҳага борса, таъкидлаш жоизки, барча билимлардаги ҳақиқат мезони ёки унинг салмоғи фалсафий билимлар ва фалсафий тафаккур билан яратилади. Кундалик билимлар соҳиби устоз деганда ўз устози ва ўтмиш мутафаккирларини кўзда тутмоқда. Фалсафа эса устоз сўзини фақат инсонларгагина қиёсламайди, балки қўшимча қилиб тангри, табиат, ҳаётни ҳам устозлари қаторига қўшади. Яратган зот ўз китоблари, пайғамбарлари ва уларга ворис бўлиб қолган олиму фузалолар, авлиёлари билан

инсониятга устоздир. Шунингдек, табиат, жамият, инсоннинг ўзи тангри бизларга берган буюк устозлардир. Улардан ўрганиб биз вояга етамиз. Шу боис ҳам ўз вақтида Жалолиддин Румий ҳазратлари: “Ай, ғунча! Ўзликни намоён этмоқни ўргат!” [1.208] деб илтижо қилган эди.

Демак, бизларни кўп сонли устозлар қуршаб турибди, улар меҳрибон ва беназир. Уларнинг ўгитлари ва билимларини олиш ё олмаслик бизнинг ихтиёримизда.

Модомики, билимлар инсон камолотининг асоси экан, камолот сари кўтарилиб борувчи инсон одамларга наф келтирмаса, олган билимидан маъно йўқ, у – худбин. Зеро, инсон камолоти жамият манфаатининг зиналаридир. Мақсад – одамлар, мақсад – жамият манфаати! Фалсафанинг ривожланиши учун шароит ва юрт тинчлиги керак. Милоднинг бошларида яшаган римлик файласуф Сенека ўзининг мактубларидан бирида: “Сайёҳнинг юки қанча қимматли бўлса, у денгизнинг осудалиги ҳақида кўпроқ қайғуради. Сувнинг сокинлиги учун илоҳ Нептундан миннатдор бўлади. Файласуфга ҳам юрт тинчлиги керак, тинчлик ижодкорларига доим миннатдорчилик изҳор этади” [1.161] деб ёзади. Юртимиз бойлиги – тинчлик ва ёшлар. Ёшлардан умидвор халқимиз юртимиз тинчлиги ижодкори бўлган юртбошига чуқур миннатдорликда ҳаёт кечирмоқда. Тараққиётимизнинг локомотивларидан бири тинчлик ва тўғри танланган йўл эканлиги айни ҳақиқатдир. Сенека ўз фикрини ривожлантириб: “Фалсафа беқарорлик ва сўз билан амалиётнинг тарқоқлигини ёқтирмайди” [1.161] деб ёзган эди. Юртимиздаги ҳолатни қўшни мамлакатларга солиштириб кўрилса, ушбу фикрнинг нечоғли тўғрилиги, шу юрт фарзанди, фуқароси бўлиш қанчалик бахт экани аён бўлади.

Адабиётлар:

1. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
2. Мамардашвили М.К. Как я понимаю философию. – М.: Прогресс, 1989
3. Ҳамзатов Р. Доғистоним. – Т.: Ёш гвардия, 1976.
4. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Т., 1983.

Андижон давлат университети,
2013 йил 6 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Йўлдошева)